



Россиядаги “Халол” Халқаро стандартлаштириш маркази бош директори Айдар Гализовнинг маълум қилишича, мутахассислар томонидан ўтказилган текширув натижасида, “Царицыно” ширкатига қаршли “Восточные Халляль из говядины” сосискаларида чўчка ДНКси аниқланган.

Шу боис, стандартлаштириш маркази савдо нукталарининг эгаларига мурожаат қилиб, Ислом талабларига жавоб бермайдиган мазкур махсулотни улгуржи ва чакана савдога қўймасликларини сўраган.

Гализов ушбу хабарни кенг омма эътиборига имкон қадар зудлик билан етказиш заруратини таъқидлаган.